# ИШОНЧ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси

• 11 июнь 1996 йил, сешанба • № 46 (293)


## МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

*Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов раислигида 1996 йил 10 июн куни республика Миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдаги мижлиси бўлди.*

*Кенгаш мажлисида Ўзбекистоннинг транспорт-коммуникация воситалари орқали жаҳон денгиз йўлларига чиқишини таъминлаш, «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида АҚШ ҳудудида ўтказиладиган «Кооператив оспрей-96» машқларида иштирок этиш ҳақидаги, шунингдек кенгашнинг миллий хавфсизликни таъминлаш борасидаги фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар кўриб чиқилди.*

*Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.*

**(ЎзА)**



*Дала нафаси*

## БОШОҚЛАР ДОНГА ТЎЛМОҚДА

Охунбобоев туманидаги «Журмон» жамоа хўжалиги бригадаларида меҳнат қилаётган ғаллакорлар бу йил ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил кўтармоқчилар. Бунинг учун эса барча тайёргарликлар кўрилаётир. Хусусан, далаларни ўғит билан таъминлаш, агротехника воситаларибилан «қуроллантириш» ишлари авж олган. Бош муҳандис Ҳусанбой Эргашевнинг гапига қараганда, шу кунларда 5 та ўрим агрегати тўла таъмирланиб, қайта кўрикдан ўтказилди. Ҳар бир комбайнга ёрдамчилар гуруҳи бириктириб қўйилган. 6 та транспорт воситаси донни хирмонга ташиш, 10 таси сомон йиғиш учун сафарбар қилинаётир. Ишлар икки сменада ташкил этилганлиги сабабли далаларда меҳнат унумдорлиги пасайгани йўқ.

— Бундан ташқари, хўжаликда меҳнат унумдорлигининг ошаётганига ижтимоий масалаларнинг ижобий ҳал қилинаётгани ҳам омил бўлаётир, — дейди хўжалик касаба уюшмалари қўмитасининг раиси Акбарали Усмонов. — Ўримда иштирок этаётган комбайнчи, механизатор ва қўлда ғалла ўрувчиларга бепул иссиқ овқат ташкил этганмиз.

Дарҳақиқат, ижтимоий муҳофаза ва меҳнатни рағбатлантириш хўжаликда яхши йўлга қўйилган. Хусусан, ўримда иштирок этган комбайнчиларга ўриб янчилган ҳар бир тонна дон учун иш ҳақига 10 сўмдан, ёрдамчиларга 8 сўмдан қўшимча ҳақ тўланаётир. Мавсум охиригача 250 тонна донни ўриб-янчиган комбайнчига 1 тонна дон миқдорида мукофот бериш жорий этилди. Қўл кучи билан 100 гектар майдондаги ғаллани ўриб олган ғаллакорларга ҳар 0,05 гектар майдон ҳисобига 30 сўмдан қўшимча иш ҳақи тўлаш келишиб олинди.

Ана шундай моддий манфаатдорлик ва қолаверса, меҳнатга яратилган шарт-шароитлар «журмон»лик ғаллакорларни янада улкан ютуқларга чорламоқда.

**А. ТЎХТАСИНОВ,**
**«ИШОНЧ» мухбири.**

*Ишбилармон аёллар*

## «ХАДИЧА»ГА КИРИБ ЎТИНГ

Жиззах шаҳрининг марказидаги маркетинглардан бири «Хадича» деб аталади. Бугунги кунда бу улкан савдо маркази шаҳарнинг энг гавжум ва харидоргир шохобчаларидан бири. Тажрибадан маълумки, маркетинглар ривожланган мамлакатларда неча ўн, юз йиллардан буён фаолият кўрсатмоқда. Аввало, хизмат кўрсатиш тури, сифати ва маданияти юқорилиги билан улар ажралиб туради. Харидорларни мамнун қилган жиҳатлардан муҳими товарлар хилма-хиллигидир. Ҳозир мазкур маркетингда 800 турдан кўпроқ озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари мавжуд.

Ушбу супермаркет 1993 йил 1 октябрда иш бошлаган эди. Унда асосан иш юритиш жамоа хўжалиги усулида олиб бориларди. Савдо соҳасида ўзига яраша тажриба ва маҳоратга эга бўлган Ўғилой Норматова давр билан ҳамоҳанг қадам ташлашга ҳаракат қилди. Мустақил мамлакатимизнинг чинакам тадбиркор аёлларидан бўлган Уғилой опа 1995 йил июль ойидан бошлаб супермаркетни хусусийлаштириб олди.

Бушунги кунда маркетинг ҳамдўстлик мамлакатларидаги деярли барча давлатлар билан алока ўрнатган. Чет элга чиқиш учун унинг патенти — рухсатномаси бор. Айни кунда Ўғилой опа Эрон, Туркия, Сурия каби тараққий этган мамлакатлар билан шартнома тузган.

**А. СОДИҚОВ,**
**Жиззах вилояти.**

*«Ишонч»га жавоб берадилар*

## «УСТОЗЛАР ИЗЗАТДА...МИ?» ЁКИ «ЖИЗЗАКИЛИК»

Газетанинг шу йил 10 январда босилган «Устозлар иззатда...ми?» ҳамда 30 апрелида чоп этилган «Жиззакилик» сарлавҳали танқидий мақолалар вилоят ҳокимлигининг махсус гуруҳи томонидан атрофлича ўрганилди.

Олиб борилган текширишлардан маълум бўлдики, дастлабки танқидий мақола эълон қилингунга қадар ўқитувчиларга ойлик маошларини бериш борасида анча ишлар бажарилган. Жумладан, 16 январга қадар туман бўйича халқ таълими тизими ходимларига 1995 йил учун ойлик маош ва нафақа пуллари тўлиқ тарқатиб бўлинган.

Мақолада келтирилган туман мактабларида дарс ўтиш жадваллари бозор кунларига мўлжаллаб тузилганлиги тўғрисидаги фикр нотўғри ифодаланганлиги, уларда дарс ўтиш жадваллари ўқув режаси ва дастурларга мослаб тузилганлиги аниқланди.

Кейинги пайтларда туман халқ таълими тасарруфидаги муассасаларда ўқув-тарбия ишлари анча яхши йўлга қўйилаётганлиги сезилиб бормоқда. Шунингдек, туман халқ таълими тизимининг мудири Маҳкам Солиевнинг мухбирга бўлган қўпол муносабати чуқур ўрганилди.

Мазкур масала жорий йилнинг 21 май куни Олтинкўл тумани ҳокимининг ҳузуридаги йиғилишида муҳокама қилинди. Унда туман халқ таълими бўлими мудири М.Солиевнинг мухбир З.Рузиева билан бўлган суҳбатида қизиққонлик қилганлиги ва бунга пушаймон бўлиб, узр сўраганлигини инобатга олиб унга хайфсан эълон қилинди.

Юқоридаги айрим ноаниқликларга қарамасдан танқидий мақолалар туман халқ таълими ишини яхшилашга катта туртки бўлди.

**М.ЮСУПОВ,**
**Андижон вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари.**

***Таҳририятдан:***

***Вилоят ҳокимлигининг мазкур жавобида ҳам мухбир йўл қўйган «ноаниқлик»ка алоҳида урғу берилади. Албатта, бунинг учун таҳририят узр сўрашга тайёр (масала мунозарали бўлишига қарамай). Бироқ ҳокимликнинг иккинчи жавобида ҳам туман «Пахтабанк» бўлими 4 миллион сўм нақд пулни бир йўла эгаларига етказмай, 13 ноябрдан 30 декабргача «майдалаб» тўлаб келганига «кўз юмилган». Ана шу принципиал масала юзасидан вилоят ҳокимлигининг принципиал жавобини кутамиз.***

***Жиззаки туман халқ таълими бўлимининг мудири М.Солиевнинг тумандаги барча мактаблар жамоаларини мухбирга қарши гиж-гижлашга уриниши ҳам ўз мансабини суистеъмол қилишдан бошқа нарса эмас. Бу масала ҳам Олтинкўл туман ҳокимлигининг принципиал позициясига ҳавола...***

*Ўзбекистон ва жаҳон*

## БУЮК БРИТАНИЯДА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британиядаги элчихонаси Буюк Британия музейлари, кутубхоналари ва илмий марказларида сақланаётган Темурийлар даврига оид маълумотларни ўрганиш бўйича катта ишлар олиб бормоқда. Лондондаги Британия кутубхонаси, Қироллик Осиё жамияти, Британия, Виктория ва Альберт музейларида Марказий Осиё давлатларининг тарихи билан боғлиқ кўпгина нодир экспонатлар сақланмоқда.

Ҳозир Ўзбекистон элчихонаси тарихшунос олим Г. А. Ҳидоятовнинг ёрдами билан рангдор суратларга бой «Зафарнома» асарини, Фирдавсийнинг «Шоҳнома», «Темур тузуклари» асарларини, Англия қироли Генрих IV нинг Амир Темурга йўллаган мактуби ва бошқа тарихий ҳужжатларнинг нусхаларини Тошкентда буладиган кўргазмага тайёрлади.

Керакли ҳужжатларни топиш ва уларнинг нусхаларини олишда Буюк Британия олимлари ва мутахассислари Муҳаммад Исо Уэйли, Джон Поллак, Роберт Скелтон ва Британия кутубхонасининг ходимаси Гита хоним ва бошқалар яқиндан ёрдам беришмоқда.

Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги икки томонлама алоқаларнинг ривожланиши Ўзбекистон ва Британия олимларининг турли соҳаларда ҳамкорлик қилиши учун катта имкониятлар яратмоқда. Мамлакатимиз тарихи, бой ўтмишимиз ҳақидаги ҳужжатларни ўрганиш ва тадқиқ қилиш борасида олиб борилаётган ишлар бунга мисол бўла олади.

## БЎЛАЖАК ЎЗБЕК ХИТОЙШУНОСЛАРИГА СОВҒАЛАР

Хитой Халқ Республикаси телевидение ва радиоэшиттиришлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг Пекиндаги элчихонасига хитой тилини ўрганаётган ўзбекистонлик олий ўқув юртлари талабалари ва мактаб ўқувчилари учун катта миқдорда ўқув қўлланмалари совға қилди. Совғалар дарслик ва унга қўшимча аудиокассеталардан иборат.

Совғаларни тантанали топшириш маросимида ХХР телевидение ва радиоэшиттиришлар вазири ўринбосари профессор Лю Силян МДҲ нинг барча мамлакатларида, айниқса, Марказий Осиё республикаларида, хитой тилига қизиқиш тобора ортиб бораётганлигини таъкидлаб ўтди.

Хитой радиоси бир неча йиллдан буён хорижий тингловчиларга хитой тилини ўргатиш бўйича эшиттиришлар бериб келмоқда. Пекин радиосининг халқаро муҳаррриятига ўзбекистонлик мухлислардан ҳам кўплаб хатлар бормоқда. Халқаро муҳарририят директори Чжан Чженьхуанинг айтишига қараганда, бу хатларда мустақил Ўзбекистонда бўлаётган муваффақиятли ўзгаришлар билан биргаликда, Хитой иқтисодийислоҳоти ютуқларини юзага келтирган радиотингловчиларни эса Ўзбекистон билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг самарали ривожланиши қизиқтирмоқда.

Ўқув қўлланмаларини топшириш пайтида профессор Лю Силян бу тадбир халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англашувнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади дея ишонч билдирди.

**«ЖАҲОН»**
**Ахборот агентлиги.**

## ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

### МДҲ МАМЛАКАТЛАРИДА

Россия Президенти Б.Ельцин Татаристонда телевидения ходимига берган интервьюсида сайловларнинг биринчи босқичидаёқ ғалаба қозонишига ишончи комиллигини айтди. Бундай ишончи нимага асосланганлигига жавоб бериб, у сайлов арафасида ўзининг кутилмаган режалари мавжудлигини таъкидлади. Мен ўз халқимни биламан, деди Б.Ельцин, бинобарин, унинг тўғри танлаш қобилиятига ишонаман.

Б.Ельцин шунингдек, сайловлардан кейин ҳеч қандай кутилмаган ҳолатлар ва тарафкашликлар бўлмайди деди. Фақат ўзи бошлаган ислоҳотлар дастурини бажариш ишлари давом этади. Раҳбар кадрлар таркибида катта ўзгаришлар ҳам бўлмайди. 15 июнда биров билан ишлаган бўлсам, деди Б.Ельцин, нега уни 17 июнда бўшатишим керак. Бошқарувнинг ўрта бўғинида эса ҳатто вазирлар даражасида ўзгаришлар бўлади. Уларнинг баъзилари ўз вазифаларини уддалай олмаяпти.

Сайлов жараёнларига тўхталиб Б.Ельцин, коммунистлар қандайдир қалбакиликлар бўлиши мумкинлигига ишора қилаётганлари, лекин у ҳеч қандай бузилишларга йўл қўйилмаслигини таъкидлади. Давлат бошлиғи сифатида, деди у, воқеалар ривожининг турли кўринишларига тайёр туришим керак. Шундай қилиб у, ўз ғалабасига ишончини ҳам, зарур ҳолларда вазиятни тўла назорат қилиш имкониятларини ҳам намойиш этди.

***

БМТ тараққиёт дастури вакилларининг ҳисоботига кўра, Украинада иқтисодиётнинг янги изларига ўтиш жуда оғир кечмоқда. Пулнинг қадрсизланиши, ишсизлик Украинада Россиядагидан юқори. Иқтисодий аҳвол ёмонлашиб бормоқда. Инсон умрининг узунлиги 1990 йилдаги 70,5 ёшдан 1994 йилда 68,8 ёшга қисқарган. 1993 йилдан бери аҳоли сони қисқариб бормоқда. Оғир иқтисодий аҳвол оилаларда бола туғилишини орқага суришга олиб келмоқда. Ўн йил давомида гўшт истеъмоли аҳоли жон бошига ярмига камайди, сут ва сут маҳсулотлари истеъмоли эса учдан бирга қисқарди.

Сўнгги беш йил мобайнида Украинада аҳоли турмуш даражаси айниқса кескин пасайиб кетди. Бойлар билан камбағаллар орасидаги фарқ кун сайин катталашиб бораётир. Иш ҳақининг энг кам миқдори 8 АҚШ долларига тенг бўлиб, 1990 йилдан бери турар-жой бинолари амалда қурилмаяпти. Ҳар еттинчи оила алоҳида хонадонда туриш имкониятидан маҳрум. Шу йилнинг март-апрель ойларида 45 минг киши ўз иш жойларидан ажраб қолган. БМТ мутахассислари шунга қарамай, Украина келажагини ижобий баҳолашяпти. Улар буни аҳолининг юқори саводлилиги билан изоҳлашмоқда.

***

Помир бўйларида ўзаро жанглар давом этяпти. Тожикистон миллий армиясининг аҳволига қараганда, у ҳозирча чегараларни қўриқлашга ҳам, республиканинг Помир бўйидаги қатор ҳудудларида вазиятни назорат этишга ҳам қодир эмас. Кўпинча аскарлар ярим оч, юпун кийинган бўлиб, саломатликлари заиф ва отишни ҳам билишмайди. Бинобарин Афғонистонда жойлашиб олиб, Тожикистон чегараларини бузиб ўтувчи жангарилар хужумини шу ерда хизмат бурчларини ўтаётган Россия чегарачилари зиммасига тушади. Чунончи, Хорог чегарачилар отряди участкаларидан бирида чегарачилар ўн кишидан иборат қуролли кишиларнинг йўлини тўсиб қолишди. Тўқнашув давомида 3 жангари ҳалок бўлди, икки киши яраланди. Бошқалари эса Афғонистонга қайтиб кетди.

***

Чеченистон томонининг хабарига кўра, Россия ва Чеченистон жангарилари вакиллари Россия қўшинларини Чеченистондан олиб чиқиб кетиш графиги хусусида келишиб олишди. Ингушистон пойтахти Назранда Чеченистон делегациясининг расмий вакили шу ҳақда маълум қилган. Шу билан Россия томони барча чечен қишлоқлари қуршовини олиб ташлашга тайёр эканлигини билдирди. Қўшинларни олиб чиқиб кетиш ва минтақа демилитаризацияси 30 августга бориб ниҳоясига етиши керак. Бироқ, ўша вакилнинг маълум қилишича шартлашувнинг тегишли протоколи ҳали тайёр эмас.

### ХОРИЖДА

Уттан шанба куни Хитой ер ости ядро синовини ўтказди. Ушбу ядро портлатувидан кейин Хитой яна бир бор - сентябрь ойида ядро синови ўтказиб, кейин кенг кўламли ядро синовлари мораторийсига қўшилажагини маълум қилган. Бироқ бу ваъда жаҳон жамоатчилиги томонидан турлича қабул қилинди. Жаҳондаги мамлакатлар ҳар қандай ядро синовларини батамом таъқиқлаш бўйича битим шартларини ишлаб чиқаётган бир пайтда, деди ташвиш билан Янги Зеландия Бош вазири Жим Болжер Хитой ядро портлатувларини давом эттирмоқда.

«Гринпис» экологик ташкилоти Хитойни ҳар қандай ядро қуроли синовларидан зудлик билан воз кечишга даъват этди. «Гринпис» ташкилоти кемаси Хитойнинг Шанхай шаҳри томон кетмоқда. У ерда ядро синовларига қарши норозилик акциясини ўтказиш мақсад қилиб қўйилган.

***

Ироқда БМТ вакиллари биологик қурол ишлаб чиқарувчи йирик корхонани бузишга киришдилар. Назорат гуруҳи раҳбарининг айтишича, Ироқ пойтахтидан 80 км узоқликда жойлашган ушбу комплекснинг ярмидан ортиқроқ қисми бузиб бўлинган. Фуқаролар учун тинч маҳсулотлар етказиб бориш мумкин бўлган бу завод 1991 йилги Форс кўрфазидаги уруш, вақтида бузиб ташланмаганди. Сулҳ шартларига кўра Ироқ ўзининг ялпи қирғин қуролини йўқотиши керак.

***

Муддатидан илгари Бангладешда ўтказиладиган сайловлардан бир неча кун олдин бўлиб ўтган сиёсий тўқнашувлар давомида 13 киши ўлган, элликдан ортиқ киши ярадор бўлган. Полиция рўй берган тартибсизликлар учун масъулиятни истеъфога чиқиб кетган Бош вазир Холида Зиё партиясига мансуб экстремистлар зиммасига юклашмоқда. Бундан кейин қон тўкилишларининг олдини олиш мақсадида мамлакатда ҳар қандай намойишлар ўтказиш ман этиб қўйилган. 81 партиядан 2,5 мингга яқин номзодлар парламентдаги 300 ўрин учун курашишади.

***

21 июнь куни Сурия, Миср ва Саудия Арабистони таклифига биноан Қоҳирада араб мамлакатлари раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтади. Унда Исроилнинг янги ҳукуматига нисбатан умумий қарашлар тамойиллари ишлаб чиқилиши керак. Маълумки, яқинда бўлиб ўтган сайловларда ғолиб чиққан Исроил Бош вазири Б.Натаняху на Фаластинликларга ва на бошқа араб мамлакатларига ҳеч қандай ҳудудий ёнбосишларга йўл қўймаслигини айтиб баёнот берганди.

***

Туркияда «Фаровонлик» ислом партиясининг раҳбари барча консерватив партиялар иштирокида коалицион ҳукумат тузиш ниятини изҳор этган. Анқарада журналистлар олдида сўзга чиққан Эрбақан ўз раҳбарлигидаги ўнг кучлар альянсини тузмоқчи эканлигини айтди. У «Ватан» партияси ва «Тўғри йўл» партиясининг раҳбарлари М.Йилмаз ва Т.Чиллерларни ҳамкорликка чақирди.

М.Йилмаз истеъфога чиққанидан сўнг, Туркия Президенти С.Демирел Эрбақанга янги ҳукуматни тузишни топширди. Эрбақан шу ҳафта давомида парламентда вакиллари бўлган барча партиялар раҳбарлари билан музокаралар олиб бормоқчи эканлигини айтган.

***

Афғонистон лидерларидан бири Ҳикматёр ўзи кўпдан бери аъзо бўлиб келган халқаро альянс аъзолигидан вақтинча четлаштирилган. «Америка овози»нинг Исломободдаги мухбири Афғонистондаги сиёсий воқеалар тафсилотини шундай баён қилади:

Утган ҳафта сўнгида Ҳамкорлик кенгаши Ҳикматёрнинг аъзолигини тўхтатиб туриш ҳақида қарор қабул қилди. Бироқ мансабдор шахслар собиқ Бош вазир Кенгашдан бутунлай чиқариб юборилгани йўқ, деб ишонтиришмоқда. Уларнинг айтишича, ушбу қарор Ҳикматёрнинг Афғонистон Президенти Бурҳониддин Раббоний билан иттифоқ тузиш режаси туфайли қабул қилинган.


## "Ишонч"га обуна давом этмоқда

***Идоравий обуна индекси 64561,*** обуна баҳоси—6 ойга 267 сўм 32 тийин (каталог баҳоси) Тошкент шаҳри учун—237 сўм 18 тийин.

***Якка тартибдаги обуна индекси 64560,*** обуна баҳоси—6 ойга 164 сўм 40 тийин (каталог баҳоси) Тошкент шаҳри учун—133 сўм 20 тийин.

*Истаган алоқа бўлимида обунани расмийлаштиришингиз мумкин. Муштарийларимиз сафида Сиз ҳам бўлишингизга ишонамиз!*


## БИРЖА ЯНГИЛИКЛАРИ

Республика қимматбаҳо қоғозлар биржасида ўтган ҳафта давомида бўлиб ўтган оддий акциялар савдосида 48 та ҳиссадор жамоалар қатнашди. Улар 49689 та акция қоғозларини сотиб, 25824692 сўмлик маблағга эга бўлдилар. Унда Сурхондарё вилояти «Кизирик пахта»,»Термез пахта»,»Шўрчи ОЦМ»,»Музрабод пахта»,»Турон» жамоалари ҳар битта акцияларини 130 сўмдан, «Меъмор» жамоаси акциялари 2350 сўмдан сотилди. «Денов пахта» жамоаси акциялари ҳам харид қилинди. Биржа савдоларида қатнашаётган ҳиссадор жамоаларнинг сони кундан кунга кўпайиб бормоқда. Бу жараён эса қимматбаҳо қоғозлар бозорини шаклланиб бораётганлигидан далолатдир.

***

Республика кўчмас мулк биржаси ва унинг вилоят бўлимларида ўтган ҳафтада 32 та ким ошди савдоси ва танловлар, 3 та биржа савдоси ўтказилди. Тадбиркор ва сармоядорлар ким ошди савдоси мобайнида 486 та кўчмас мулк иншоотларига эга бўлдилар. Жумладан уй-жой ва дўконлар қуриш учун 267 та ер майдони, 22 та маиший ва техник хизмат кўрсатиш шохобчалари, 48 та автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари ва 49 та турли русумдаги автомашиналар мулкдорлар тасарруфига ўтди. Ким ошди савдоси якунига кўра ҳафта мобайнида уларнинг нархи 108,6 миллион сўмни ташкил этди. Навоий вилояти Нурота шаҳрида жойлашган 10-АЁҚШ бошланғич нархи 470,0 минг сўм бўлган ҳолда, 10 миллион сўмга сотилди. Андижон вилоятида 15 та АЁҚШлар сотилиб, 47,2 миллион сўмни ташкил этди. Булардан ташқари, Сурхондарё вилояти Олтинсой туманида жойлашган чойхона 4,0 миллион сўмга сотилди.

Ўтган ҳафтада ер майдонларига ҳам талаб катта бўлди. Булар орасида Фарғона, Хоразм, Навоий вилоятларида ер майдонлари яхши сотилди. Ҳафта мобайнида жами 267 та ер майдонлари сотилиб, 4,3 миллион сўмга харид қилинди. Бу савдолар жамиятимизда мулкдорлар табақаси вужудга келаётганлигининг ифодасидир.

*Маош тўланиши — касаба уюшма назоратида*

## ИШ ҲАҚИ МАШАҚҚАТЛАР ЭВАЗИГАМИ?

***Касаба уюшмалари Наманган вилояти кенгашининг шу йил май ойи охирларида ўтказилган Раёсат йиғилишида «Касаба уюшма ташкилотларининг иш ҳақларини ва бошқа тўловларни белгиланган муддатларда берилишини таъминлашдаги фаолияти» масаласи кўриб чиқилди. Хўш, нима сабабдан кенгаш бу соҳани ўз назоратига олди?***

Гап шундаки, Республикамиз Президенти И. Каримов Ўзбекистон касаба уюшмалари фаоллари билан учрашувида аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашда, ишловчилар маошларининг ўз вақтида олишларига эришишда, барча фуқаро учун етарли турмуш шароити яратиб берилишида «энг оммавий жамоат ташкилоти» зиммасига катта масъулият юкланганини алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Шунинг учун тармоқ қўмиталари ва бошланғич ташкилотлардан бу борада назоратни кучайтириш, жамоа шартномалари ва ҳокимликлар билан келишувларда кўзда тутилган бандларнинг тўла-тўкис амалга оширилишига эътибор кучайтирилмоқда. Мазкур соҳа юзасидан жойларда ўтказилган текшириш якуни шуни кўрсатдики, қатор ташкилот, муассаса, хўжалик раҳбарларининг масъулиятсизлиги, уқувсизлиги ва давр талабини тушуниб етмаётганликлари оқибатида меҳнат жамоалари иш ҳақларини ўз вақтида олмаяптилар ёки маош берилиши бир неча ойгача чўзилиб кетмоқда. Бу борада Чуст шаҳридаги «Чевар» ҳиссадорлик жамияти (корхона раиси Ш. Махсудов, касаба уюшма қўмитасининг раиси С. Эгамбердиева)даги аҳвол, айниқса кечирилмасдир.

Мазкур саноат корхонаси касаба уюшма қўмитаси ўз ходимларини касаба уюшмалар низоми асосида белгиланганидек, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини муҳофаза этишни таъминлаш чорасини кўрмаяпти. Фаолиятдаги сусткашлик, маъмуриятга нисбатан талабчанликни бўшаштириб юборганлик ва келишувчиликка йўл қўйиш оқибатида корхонанинг ишчи-хизматчиларидан маош бўйича қарзи ярим миллион сўмдан ошиб кетди ёки аниқроқ айтганда, бу ерда ўтган йилнинг август ойидан бери иш ҳақи берилмай келинмоқда. Маълумки, Президентимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш босқичи мураккабликларини ҳисобга олган ҳолда чиқарган Фармонларида кўп болали оналарни иқтисодий муҳофазалаш, турмуш шароитининг пасайиб кетишига йўл қўймаслик чоралари кўзда тутилган. Аммо корхона маъмурияти ушбу йўналишдаги кўрсатмаларни ҳам жиноятқорона бузилишига йўл қўйганлар. Чунончи, 445 минг сўм миқдордаги болалар нафақаси учун мўлжалланган маблағ бюджетдан олиниб, унинг атиги 44 минг сўмигина болали аёлларга тарқатилган, қолган қисми эса хўжалик мақсадларига ишлатиб юборилган. Ҳолбуки, корхонанинг бу борадаги қарзи 428 минг сўмни, икки ёшгача бўлган болали ишчи аёллардан қарзи 620 минг сўмни ташкил этади.

Бинобарин, бу ерда бозор талаблари ҳалигача тўлиқ тушуниб етилмаган. Хусусан, янги, харидоргир маҳсулот турларини ишлаб чиқариш, Чустнинг бир маҳаллар довруғ қозонган зардўзлик ва чеварлик ҳунармандчилиги анъаналарини тиклаш чоралари кўрилмаяпти. Оқибатда тайёрланаётган маҳсулот омборда тўпланиб қолмоқда. Уларга харидор топилмаяпти. Шу важдан корхонада йилнинг биринчи чораги бўйича 400 нафар киши ишдан бўшатилди. Касаба уюшма қўмитаси эса кўз ўнгида рўй бераётган воқеликларга пинак бузмай қараб келаётир...

Уйчидаги Абдумажид Маҳмудов раислик қилаётган нотўқима матолар ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятидаги аҳвол ҳам Чустнинг «Чевар» корхонасидагидан қолишмайди. Касаба уюшма қўмитаси раиси Шерали Дадамирзаевнинг бепарволиги, масъулиятни ҳамон тушуниб етмаётганлиги натижасида 1995 йилнинг декабридан бери иш ҳақлари берилмайди. Ёки бу борада ишчи-хизматчилардан қарз миқдори 293 минг сўмдан ортиб кетган. Ҳатто, ўтган йилнинг апрел ойида ишдан бўшаб кетган 6 нафар ходим ўз ҳақларини ундира олмасдан овораю-сарсон. Бундан ташқари, йилнинг биринчи чораги учун белгиланган болаларнинг нафақа пуллари, 2 ёшгача бўлган боласига қараганлик учун тайинланган нафақа, янги фарзанд туғилганда тақдим этиладиган суюнчи пулларини тўлаш ҳам пайсалга солинмоқда. Касаба уюшма қўмитаси ва маъмурият ўртасидаги жамоа шартномаси йилнинг 4 ойи ўтганидан кейингина расмийлаштирилганини эса ҳеч бир баҳона билан оқлаб бўлмайди.

Табиийки, маошлар вақтида берилмайдиган, қўшимча иш ўринлари яратилмайдиган, бозор талабларига биноан харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқарилмайдиган жойда ходимларнинг қўними бўлмайди. Наманган туманидаги Тошбулоқ пойафзал фабрикаси, «Камолот» оёқ кийимлари ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятининг асосий ишчилари меҳнат ўринларини тарк этишган. Уйчи пойафзал фабрикасида ишловчилар йил бошида 135 нафаргина қолган бўлиб, уларнинг ҳам 47 нафари март ойи охиригача кетиб қолишди. Ҳозирча фабрикада рўйхатда турган 88 нафар ходимдан 37 нафари идора хизматчиларидир. Бевосита ишлаб чиқариш билан банд бўлган 51 ишчи ҳам тўлиқ иш кунида меҳнат қилмайди. Косонсой пойабзал фабрикаси эса, ўз фаолиятини умуман тўхтатган. Норин туманидаги А. Шамсутдинов номли, Мингбулоқ туманидаги «Гигант», Амир Темур номли, Поп туманидаги Ш. Мирсултонова номли жамоа хўжаликларида имконият мавжудлигига қарамай, иш ҳақи бўйича қарзлардан қутулиш чораси кўрилмаяпти.

Маошларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш, айниқса, молиявий аҳвол мураккаблашган даврда моддий бойлик ярата ётганларни қўллаб-қувватлашда корхоналарга банклар ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиши лозим. Афсуски, бу йўналишдаги вазифалар кўнгилдагидек бўлаяпти, деб айтиш қийин. Корхоналарнинг қийинчиликлар билан ундирган пулларини ўз муддатида ҳисоб рақамларига туширмаслик ҳоллари мавжуд. Бор пулларни биринчи навбатда иш ҳақи учун берилиши таъминланмаяпти. Айрим ҳолларда иш ҳақини халқ банкига ўтказиб қўйиш билан кифояланилмоқда. Бу эса ходимларнинг ўз меҳнат ҳақларига эга бўлишларида тўғаноқ бўлаётир. Масалан, 1 май ҳолатига мазкур банкда 611 минг сўм иш ҳақи ўз муддатида берилмаганлиги аниқланди. Аслида, корхона, ташкилот ва хўжаликлар банклар олдида тенг ҳуқуқли ва икки томонлама шартнома асосида ишловчи мижоз ҳисобланади. Касаба уюшмалари ходимларнинг манфаатини ҳимоя қилувчи ташкилот сифатида иш ҳақлари ва бошқа тўловларни банклар томонидан берилишини назорат қилиб бориш ҳуқуқига эгадир. Бу масала касаба уюшмалари вилоят кенгаши ҳамда вилоят ҳокимлиги ўртасида 1996—1997 йилларга мўлжалланган келишувида ҳам ўз ифодасини топган эди. Таассуфки, бозор иқтисодиёти шароитида яшаб, меҳнат қилаётган баъзи раҳбар ва мутасаддилар янгича турмушнинг талаб-қонуниятларини тўлиқ англаб етмаяптилар, шекилли...

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

